

САЪДИДДИН ҲАМАВИЙ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТ ИЖТИМОЙ-МАЪНАВИЙ МУҲИТИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Ражабов Алишер Шавкатович

Бухоро давлат педагогика институти мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21873532>

Тасаввуф фалсафасида ахлоқ (тасаввуфий ахлоқ ёки мақомот) шунчаки жамиятда қабул қилинган одоб-ахлоқ қоидалари йиғиндиси эмас, балки инсон руҳиятининг тубдан янгилашиши, нафснинг иллатлардан покляниши ва қалбнинг илоҳий сифатлар акс этадиган кўзгуга айланиши жараёнидир. Мумтоз тасаввуф манбаларида гўзал ахлоқ сулукнинг (маънавий йўлнинг) ҳам бошланиши, ҳам унинг олий чўққиси сифатида таърифланади. Зеро, тасаввуф намояндалари “Тасаввуф бу - бутунлай ахлоқдир, кимнинг ахлоқи сеникидан гўзалроқ бўлса, унинг тасаввуфдаги даражаси ҳам сеникидан юқорироқдир” деган олтин қоидага амал қилганлар.

Ҳамавийнинг маънавий-ахлоқий меросида соғлом мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва турли ахборий-маънавий таҳдидларга қарши курашиш масаласи алоҳида онтологик ва методологик мазмунга эга. Мутафаккир яшаган XIII аср - мўғуллар истилоси натижасида нафақат сиёсий ва иқтисодий тизимлар, балки жамиятнинг асрлар давомида шаклланган маънавий-этиқодий мезонлари ҳам инқирозга учраган мураккаб давр эди. Бундай шароитда Ҳамавий жамиятда ғоявий ва маънавий парокандаликнинг олдини олиш учун Исломнинг асл манбалари - Қуръон ва Суннатга таянган ҳолда, соф этиқодий пойдеворни ва соғлом ахлоқий мезонларни ҳимоя қилишни энг биринчи галдаги вазифа деб билди¹. Замонавий жамиятда ахборот хуружлари, сохта қадриятлар ва мафкуравий манипуляциялар ортган шароитда Ҳамавийнинг этиқодий поклик ва ахлоқий барқарорликка оид қарашлари жамиятни, айниқса, ёшлар онгини маънавий деградациядан ҳимоя қилишда муҳим методологик пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Бизнинг фикримизга кўра, Саъдиддин Ҳамавийнинг ахлоқий ғоялари ва тизимли қарашлари инсонни ички нафсоний қулликдан қутқариб, уни ҳам космик, ҳам ижтимоий даражада тўлақонли шахс сифатида шакллантиришга қаратилган. Унинг ахлоқ фалсафаси илоҳий муҳаббат, ихлос, сидқ, ҳалол меҳнат ва ижтимоий масъулият устунлари устига қурилган бўлиб, суфийликнинг мағзини айнан мана шу гўзал хулқлар ташкил этишини исботлайди. Ҳамавийнинг ушбу изчил қарашлари классик суфийлик тажрибаларини ваҳдати вужуд метафизикаси билан амалий ҳаётда муваффақиятли бирлаштира олган ноёб маънавий меросдир.

Мутафаккир таълимотида жамиятнинг ижтимоий-маънавий барқарорлиги бевосита шахснинг психологик ва маънавий мувозанати (жамъият ал-қалб) билан боғлиқ ҳолда талқин этилади. Ҳамавий таъкидлаганидек, инсоннинг ички дунёсидаги парокандалик, руҳий тушкунлик ва ахлоқий инқироз оқибатда жамиятдаги ижтимоий беқарорлик ва зиддиятларни келтириб чиқаради. Шу сабабли, Шайх “Ал-Мисбоҳ фи-т-тасаввуф” асарларида қалбни салбий ҳис-туйғулардан (ҳасад, адоват, аламзадалик, сунъий манбаларга қарамлик) покдаш ва уни мазмунли, фойдали меҳнат ҳамда Илоҳий

¹ Hireysât M. Sa‘deddîn el-Hammûye // TDV İslâm Ansiklopedisi. – İstanbul: TDV Yayınları, 2008. – C. 35. – S. 388–390.

зикр орқали хотиржамлик даражасига олиб чиқиш методологиясини илгари суради². Ҳозирги кунда жамият аъзоларида, айниқса стресс, стресс омиллари ва ахборот зўриқиши кучайган бир шароитда, Ҳамавий томонидан илгари сурилган психологик мувозанат ва ички ахлоқий интизом тизими шахсий ва ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг муҳим психологик-ахлоқий воситаси ҳисобланади.

Шунингдек, Ҳамавийнинг маънавий-ахлоқий қарашлари оилавий муносабатлар мустаҳкамлиги ва авлодлар ўртасидаги ворисийликни таъминлашда ҳам чуқур из қолдирган. Мутафаккир таълимотида оила - шунчаки ижтимоий бўғин эмас, балки инсон ахлоқи ва маънавияти шаклланадиган, Илоҳий адолат ва меҳр-муҳаббат сифатлари амалда намоён бўладиган муқаддас макондир. Ҳамавийнинг энг яқин шогирди Азизиддин Насафий “Инсони комил” асарида устозининг фарзанд тарбияси, ҳалол ризқ билан оилани тебратиш масъулияти ҳақидаги қарашларини тизимли баён этади³. Замонавий жамиятда оила институтининг инқирозга учраши ва ахлоқий қадриятларнинг заифлашуви кузатилаётган бир даврда Ҳамавий меросидаги оилавий ахлоқ ва масъулият тамойиллари оила мустаҳкамлигини таъминлашда назарий ва амалий асос бўлиб хизмат қилади.

Саъдиддин Ҳамавий таълимотининг муҳим хусусиятларидан яна бири - бу раҳбарлик ва ижтимоий бошқарувда ахлоқий масъулият ва адолат мезонларини илгари суришдир. Мутафаккир жамиятнинг барқарорлиги ва гуллаб-яшнаши бевосита жамиятдаги адолатли бошқарувга ва раҳбарларнинг ахлоқий фазилатларига боғлиқ деб ҳисоблаган. Ҳамавий ўз асарларида ва ижтимоий фаолиятида ҳоким ва раҳбарларни зулмдан тийилишга, фуқаролар манфаатини ўз шахсий манфаатидан устун қўйишга ва адолатни Олий қадрият сифатида ҳимоя қилишга чақирган⁴. Бу қарашлар бугунги кунда давлат ва жамият бошқарувида коррупцияга қарши курашиш, бошқарув ходимларининг ахлоқий ва касбий масъулиятини ошириш ҳамда “давлат халққа хизмат қилиши керак” деган замонавий демократик-ахлоқий тамойилни маънавий жиҳатдан мустаҳкамлашда муҳим тарихий-назарий манба ҳисобланади.

Шу билан бирга, Ҳамавийнинг маънавий-ахлоқий қарашлари экологик ахлоқ ва атроф-муҳитга бўлган муносабатни тартибга солишда ҳам ўзига хос чуқур метафизик қарашга эга. Мутафаккир онтологиясида табиат ва ундаги барча мавжудотлар Илоҳий сифатларнинг тажаллийси ва инсонга берилган омонат сифатида қаралади. Инсоннинг Борлиқдаги ўрни ва “олами асғар” сифатидаги мақоми унга атроф-муҳитга, табиатга ва бошқа мавжудотларга раҳм-шафқат ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш масъулиятини юклайди. Замонавий глобал экологик инқироз шароитида Ҳамавийнинг экологик ахлоқ ва табиатга омонат сифатида қараш ғоялари инсониятда экологик маданиятни ва масъулиятли истеъмол маданиятини шакллантиришда жуда долзарбдир.

² Қаранг: ۱۱۰-۱۰۲. ص. ۱۳۸۰. تهران: انتشارات طهوری، (Ҳамавий С. Ал-Мисбоҳ фи-т-тасаввуф / сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: М. Ҳодизода. – Техрон: Интишороти Тахурий, 1380/2001. – Б. 102-110.)

³ Қаранг: ۱۵۲-۱۴۵. ص. ۱۳۷۷. تهران: انتشارات طهوری، (Насафий А. Инсони комил / Саййид Хусайн Наср сўзбошиси билан; танқидий матн муаллифи: Анри Корбен. – Техрон: Интишороти Тахурий, 1377/1998. – Б. 145-152.)

⁴ Trimmingham J. S. The Sufi Orders in Islam. – Oxford: Oxford University Press, 1998. – P. 60-65.

Замонавий жамиятнинг ижтимоий-маънавий муҳитини барқарорлаштиришда Ҳамавий меросидаги марказий концепциялардан бири - “касб-и ҳалол” (ҳалол меҳнат) ва ижтимоий фаоллик тамойилидир⁵. Классик тасаввуфдаги айрим таркидунёчилик (зоҳидлик) майлларида фарқли ўлароқ, Ҳамавий Кубравия тариқатининг анъанасига содиқ қолган ҳолда жамиятдан узилишни, меҳнатдан қочишни ва боқимандаликни кескин қоралаган. Мутафаккир фикрича, руҳий камолот ва ахлоқий поклик айнан жамият ичида, меҳнат жараёнида ва одамларга нафи тегиш орқали шаклланади. “Ал-касибу ҳабибуллаҳ” (Ҳалол меҳнат қилувчи Аллоҳнинг дўстидир) ҳадисига суянган ҳолда, у ўз муридлари ва издошларини ҳалол ризқ топишга, деҳқончилик, ҳунармандчилик ва илм билан шуғулланишга тарғиб қилган⁶. Бу ғоя бугунги кунда жамиятда боқимандалик кайфиятига барҳам бериш, меҳнатсеварлик маданиятини шакллантириш, меҳнат ва ҳалолликни энг юксак ижтимоий қадрият даражасига кўтаришда ғоявий-маънавий манба бўлиб хизмат қилади.

Мутафаккир таълимотининг яна бир ўта муҳим жиҳати - ижтимоий бағрикенглик, инсонпарварлик ва низоларни тинч йўл билан ҳал этиш тамойилларидир. XIII асрдаги мўғуллар истилоси даврида турли диний ва этник гуруҳлар ўртасида юзага келган зиддиятларни юмшатишда Ҳамавийнинг маънавий нуфузи муҳим ўрин тутди. Унинг дунёқарашида инсон диний, этник ёки ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, Илоҳий яратилишнинг маҳсули сифатида ҳурматга лойиқдир. Мутафаккир ўз асарларида жаҳолат, мурасизлик, адоват ва зўравонликни инсон маънавий таназзулининг бош омили деб билади. Бугунги глобаллашув ва маданий-ғоявий қарама-қаршиликлар кучайган даврда Ҳамавийнинг бағрикенглик ва инсонпарварлик ахлоқига оид қарашлари жамиятда миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни, ижтимоий барқарорликни ҳамда бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш учун муҳим методологик асос бўла олади.

Шунингдек, Ҳамавийнинг маънавий-ахлоқий меросида ахлоқий тарбия ва ёшлар омили марказий ўрин тутди⁷. Мутафаккир инсон нафсини “нафси амора” (ёмонликка ундовчи нафс)дан “нафси мутмаинна” (хотиржам ва ахлоқий баркамол нафс) даражасига кўтаришни инсоннинг ҳаётий вазифаси деб ҳисоблайди. Нафсни жиловлаш, ҳасад, кибр, ёлғончилик ва ахлоқсизлик каби ахлоқий иллатлардан пок бўлиш тизими - бугунги кунда ёшлар ўртасида учрайдиган турли маънавий инқирозлар, деструктив ғоялар ва ахлоқий таназзулнинг олдини олишда, уларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Ҳамавий асарларидаги “нафс тарбияси” педагогик нуқтаи назардан шахснинг ўз-ўзини назорат қилиши, иродавий ва ахлоқий фазилатларни ривожлантиришининг мукамал тизимини тақдим этади.

Мутафаккирнинг ахлоқий қарашлари тасаввуф ва фикр, ҳадис ва калом илмларининг синтези асосида қурилгани боис, у таклиф этган ахлоқий меъёрлар қуруқ назарий панду насиҳатлардан иборат эмас, балки мустаҳкам ҳуқуқий ва эътиқодий

⁵ Trimmingham J. S. The Sufi Orders in Islam. – Oxford: Oxford University Press, 1998. – P. 54–58.

⁶ Қаранг: عزیز الدین، کمال انسان / کرین هانری تصحیح / طهران: انتشارات: تهران، ۱۳۷۷، ص. ۱۲۰–۱۲۸. (Насафий А. Инсонни комил / танқидий матн муаллифи: Анри Корбен. – Техрон: Интишороти Тахурий, 1377/1998. – Б. 120–128.)

⁷ Қаранг: حموی، سعدالدین. المصباح فی التصوف / تصحیح م. هادیزاده. – تهران: انتشارات طهوری، ۱۳۸۰، ص. ۸۸–۹۵. (Ҳамавий С. Ал-Мисбоҳ фи-т-тасаввуф / сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: М. Ҳодизода. – Техрон: Интишороти Тахурий, 1380/2001. – Б. 88–95.)

пойдеворга эга. Шу сабабли, Ҳамавий қарашларида шариат меъёрларига риоя қилиш ахлоқий камолотнинг биринчи ва ажралмас босқичи сифатида эътироф этилади. Шариат ташқи тартиб ва ижтимоий адолатни таъминласа, тариқат ва ҳақиқат инсоннинг ички маънавий дунёсини бойитади. Бу ички ва ташқи уйғунлик (заҳир ва батин ваҳдати) замонавий жамиятда қонунга ҳурмат туйғусини ва юксак маънавий масъулиятни бир вақтнинг ўзида шакллантириш имконини беради.

Якуний хулоса сифатида таъкидлаш жоизки,

- Ҳамавий меросининг замонавий ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштиришдаги ўрни, шунингдек, жамиятда адолат ва инсонийлик мезонларини мустаҳкамлашда намоён бўлади. Мутафаккир таълимотида жамиятдаги адолатсизлик ва инқирозларнинг илдизи инсонларнинг ахлоқий бузилиши ва манманликка берилиши билан боғланади. Адолатли жамиятни барпо этиш учун аввало ҳар бир шахс ўз қалбида адолат ва покликни қарор топтириши лозим. Бу тамойил ҳозирги даврда жамиятдаги коррупция, адолатсизлик, лоқайдлик ва манфаатлар тўқнашуви каби ижтимоий иллатларга қарши курашда шахсий ахлоқий масъулият ва ҳалолликнинг муҳимлигини кўрсатади;

- Саъдиддин Ҳамавийнинг илмий-маънавий ва ахлоқий мероси комплекс хусусиятга эга бўлиб, у ўзида метафизик чуқурлик, эътиқодий мустаҳкамлик ва амалий ижтимоий йўналганликни мужассам этган. Ушбу мерос замонавий жамиятнинг ижтимоий-маънавий муҳитини барқарорлаштиришда, ёшлар ўртасида соғлом мафкуравий иммунитетни ва ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлашда, оила ва бошқарув тизимидаги ахлоқий мезонларни қарор топтиришда чуқур назарий ва методологик асос бўлиб хизмат қилади;

- Мутафаккир ғояларини замонавий ижтимоий-педагогик ва гуманитар тадқиқотларга тизимли равишда татбиқ этиш жамиятнинг барқарор ва уйғун ривожланишини таъминлашнинг муҳим омилларидан биридир. Шундай қилиб, Шайх Саъдиддин Ҳамавийнинг маънавий-ахлоқий мероси шунчаки ўтмиш тарихий-фалсафий ёдгорлиги бўлиб қолмай, балки замонавий жамиятнинг ижтимоий-маънавий барқарорлигини таъминлаш, ёшларни юксак ахлоқий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, жамиятда ҳалол меҳнат, бағрикенглик ва адолат тамойилларини мустаҳкамлаш учун чуқур назарий ва амалий манба бўлиб хизмат қилади. Ушбу манбадан тизимли ва илмий фойдаланиш жамиятда маънавий хавф-хатарлар ва ахлоқий деградацияга қарши самарали мафкуравий иммунитет шаклланишига хизмат қилади.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Hireysât M. Sa'deddîn el-Hammûye // *TDV İslâm Ansiklopedisi*. – İstanbul: TDV Yayınları, 2008. – С. 35. – S. 388–390.
2. Ҳамавий С. *Ал-Мисбоҳ фи-т-масаввуф* / Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи М. Ҳодизода. – Техрон: Интишороти Таҳурий, 1380/2001. – 224 б. (حموى، سعدالدين. المصباح فى). (التصوف / تصحيح م. هاديزاده. – تهران: انتشارات طهورى، ۱۳۸۰)
3. Насафий А. *Инсони комил* / Саййид Ҳусайн Наср сўзбошиси билан; танқидий матн муаллифи Анри Корбен. – Техрон: Интишороти Таҳурий, 1377/1998. – 450 б. (نفسى، عزيزالدين. انسان كامل / تصحيح هانرى كربين. – تهران: انتشارات طهورى، ۱۳۷۷)
4. Trimmingham J. S. *The Sufi Orders in Islam*. – Oxford: Oxford University Press, 1998. – 368